# ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ: БОЗОР ШАРОИТИДА







Илгари хабар берганимиздек, пойтахтимиз Тошкентда «Ўтиш даври иқтисодиётида ижтимоий сиёсат» мавзуидаги семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси раҳбар ходимлари учун мўлжалланган мазкур анжуман Жаҳон банкининг иқтисодий ривожлантириш институти, республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Тошкент Молия институти томонидан ташкил қилинди.

Ушбу семинарни ташкил этишда Жаҳон банки Иқтисодий ривожлантириш институтининг иштирок этиши ўзига хос маъно касб этади. Чунки, республикамиз мустақилликка эришгач, уни жаҳоннинг турли нуфузли ташкилотлари, йирик банклар эътироф этди ва мамлакатимиз улар билан тенглик асосида музокаралар олиб бормоқда. Айниқса иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши туфайли йирик молиявий муассасалар сирасига кирувчи Германиянинг «Дойче банк» ва АГ «Берлинер банк»и, АҚШнинг «Чейз Менессетен банк»ларининг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётгани эътиборга моликдир.

Иқтисодий ислоҳотларга ўтиш жараёнининг ўзига хос қонуниятлари мавжуд бўлиб, унда аҳоли кенг қатламларини ижтимоий муҳофазалаш муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Ушбу масала иқтисодий ислоҳотлар самарали амалга ошувининг ҳал қилувчи нуқтаси ҳамдир. «Кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим роли шундаки, у халқимизга ислоҳот шунчалик ислоҳот учун эмас, балки аввалambор халқ манфаатлари учун ўтказилмоқда, деган ишонч бахш этади», деб таъкидлайди республика Президенти И. Каримов. Шу маънода Тошкентда ўтказилган мазкур семинар алоҳида аҳамият касб этади.

Тўрт кун давом этган анжуман ишида республикамиз касаба уюшмаларининг раҳбар ходимлари билан бирга Марказий Осиё давлатлари, хитойлик, германиялик мутахассислар иштирок этдилар. Шунингдек, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон республикаларидан келган мутахассислар кузатувчи сифатида анжуман ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тингловчиларга ижтимоий сиёсатни ҳаётга тадбиқ этишнинг макроиқтисодий шартлари ва бу соҳани ислоҳ этишнинг ҳуқуқий асослари, ижтимоий сиёсатнинг устивор йўналишлари, ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда касаба уюшмаларининг роли каби масалаларга алоҳида тўхтаб ўтилди. Шу ўринда семинар директори М. А. Ҳакимованинг сўзлари диққатга сазовордир:

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим тамойилларидан ҳисобланади. Ушбу сиёсатни амалга ошириш учун республикада қонун яратувчилик фаолияти олиб борилмоқда, маълум молиявий маблағлар сарфланмоқда. Шу билан бирга ижтимоий сиёсатни тўғри амалга ошириш, ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш мазкур жараёнда иштирок этувчи ходимларнинг малакасига ҳам боғликдир.

Шунинг учун ҳам Жаҳон банки Иқтисодий ривожлантириш институти томонидан ҳозирги пайтда ҳамдўстлик давлатларининг II мамлакати ва Мўғулистоннинг ижтимоий сектори учун кадрлар тайёрлаш Дастури ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда мазкур Дастурни амалга ошириш юқорида номи келтирилган институт ва республика ҳукумати томонидан 1993 йилда бандлик ва ижтимоий муҳофаза муаммолари бўйича семинарни ўтказишдан бошланди. Шундан сўнг олий ўқув юртлари ва ҳукумат идораларининг мутахассисларидан бир гуруҳининг 1995-96 йилларда ўқуви ташкил қилинди. Натижада Ўзбекистон жамоаси ташкил топди ва у кейинги семинарларни мустақил ташкил эта бошлади. Биз гувоҳи бўлиб турган мазкур анжуман ҳам шулар туркумига кириши билан қизиқарлидир.

Ҳақиқатан ҳам ушбу анжуманда ижтимоий сиёсатнинг қарийб барча муаммолари ҳақида олимлар, мутахассислар баҳс юритдилар, фикр алмашдилар. Жумладан, меҳнат бозорида касаба уюшмаларининг роли, касаба уюшмалари ва даромадлар тақсимоти, ижтимоий ҳимоя ва унинг ўз манзилига етказилиши каби масалаларни муҳокама этилиши тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди ва уларнинг бу соҳадаги билимларини такомиллаштиришга ёрдам берди. Шу ўринда Хоразм вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Қ. С. Сапаевнинг сўзларида жон бор:

— Иқтисодий қонунларга амал қилиб ҳамда дунё миқёсида бошқа давлатларнинг тажрибаларини ҳисобга олиб, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш муҳимдир ҳамда бу соҳада олиб борилаётган ишлардан боҳабар бўлиб бориш лозим. Биз иштирок этаётган семинар шу жиҳатдан ҳам аҳамиятлики, вазирликлар, ҳукумат идоралари раҳбарларининг ҳамда шу соҳадаги олимларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишдик, улар билан бемалол мулоқотда бўлдик, ўзимизни қизиқтирган, биз еча олмаган саволларга жавоб олишга муваффақ бўлдик. Фикримча, бундай семинарлар вилоятларда ҳам ташкил этилса, республикада ўтказилаётган ижтимоий сиёсатнинг моҳиятини кенг халқ оммасига тушунтириш осонроқ бўлар эди.

Анжуманда ижтимоий сиёсатни турли соҳаларда амалга ошириш муаммоларига ҳам эътибор берилди. Таълим тизими ва соғлиқни сақлашни ислоҳ қилишда ижтимоий хизматлар, бу соҳаларни молиялашдаги янгиликлар, таълимни ислоҳ қилишнинг муаммоли йўллари, ўтиш даврида ижтимоий суғурта каби масалалар муҳокамасида қатнашган тингловчилар ўзлари учун кўп фойдали маълумотларга эга бўлдилар.

Анжуман ҳақида Навоий вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси С. А. Махнева қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу анжуман жуда ҳам ўз вақтида ўтмоқда, чунки ўтиш даврида мамлакатимиз олдида ижтимоий сиёсат соҳасида жуда кўплаб муаммолар мавжуд. Шунинг учун кадрлар ўқуви, айниқса касаба уюшмалари ходимларининг ўқувини ўтказиш жуда муҳимдир. Семинардаги ўқитиш усули ҳам эътиборга сазовордир. Бунда тингловчилар фақат маърузалар эшитибгина қолмай, балки топшириқларни бажариб, ўзларининг олган билимларини намоён қилиш имкониятига эга бўлдилар. Менда айниқса Ғ. Саидова, М. Ҳакимова, Р. Абдукаримовларнинг маърузалари яхши таассурот қолдирди.

Нафақа тизимини ислоҳ қилиш, ижтимоий секторни молиялаш, меҳнат бозоридаги кескинликни юмшатиш имкониятлари, солиқ солиш муаммолари, молиялашнинг нодавлат манбалари каби муаммоларнинг ўртага қўйилиши анжуман қатнашчиларини машғулотларда янада фаолроқ иштирок этишга ундади. Чунки тингловчилар жойларда мазкур масалалар билан жуда кўп тўқнашадилар, улар юзасидан аҳолининг у ёки бу савол ва аризаларига жавоб беришга ҳам тўғри келади.

Машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитасининг раиси Ш. Қ. Одилов анжуман ҳақида қуйидагиларни билдирди:

— Касаба уюшма ташкилотлари раҳбарларининг ушбу ўқувини ташкил этилганлиги айни муддао бўлди. Материалларнинг ниҳоятда бойлиги, маърузачи ва сўзга чиқувчилар малакасини юқори савияси қисқа вақт ичида биз тингловчиларга ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг ҳал этиш йўлларини очиб берди. Назарий билимларимизни амалий машғулотларимизда мустаҳкамлаб бордик. Ўйлайманки, семинар машғулотларида олган билимларимиз иш фаолиятимизда асқотади.

Дарҳақиқат, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш муаммоларига бағишлаб ўтказилган семинар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан, ташкилий жиҳатдан ҳам кўнгилдагидек ўтди. Бунга Туркманистон Республикасидан кузатувчи сифатида иштирок этган Эджегыз Раҳмонованинг дил сўзлари ҳам гувоҳ бўла олади.

— Семинарни мустақил Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳрида ўтказилиши ҳам ўзига хос маъно касб этади. Чунки, Ўзбекистон тобора жаҳонга юз тутиб бормоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий сиёсатни тўғри олиб бориш катта аҳамиятга эга. Менда анжуман қатнашчиларининг фаоллиги, ижтимоий ёрдам ва уни манзилга етказиш, нафақа тизимини ислоҳ этиш, ишсизлик каби муаммоларни ҳал этишда баҳс-мунозарага киришишлари яхши таассурот қолдирди. Кузатувчи сифатида семинарни ўтказишга жуда жиддий ёндошилганини, барча ташкилий масалалар яхши ҳал этилганини, маърузачилар таркибининг юқори савиясини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Мазкур семинар касаба уюшма ходимлари учун жуда фойдали бўлиб, унинг қатнашчилари барча масалаларни етарлича муҳокама қилдилар. Ўйлайманки, семинардан кутилган натижага эришилди. Бизнинг Туркманистонда ҳам ҳозир «Туркманистон аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ва уни ислоҳ қилиш йўллари» мавзуидаги семинарни ўтказиш режалаштирилган. Ўзбек дўстларимизнинг бу борадаги тажрибаси бизга ҳам қўл келади, деб ўйлайман.

Анжуман сўнгида «Каунтерпарт консорциум» Халқаро нотижорат ташкилотининг вакили Мелани Рейнер хоним ҳам сўзга чиқиб, ўз таассуротларини изҳор этди.

Семинар иштирокчиларига тингланган маърузалар, турли қонун ва лойиҳалар жамланмаси ҳамда макроиқтисодий ибораларнинг қисқача луғати эсдалик совғаси сифатида берилди.

**Шавкат ЁҚУБОВ,**
**Ўзбекистон КУФК ташкилий ишлар бўлимининг маслаҳатчиси.**

КЕЧИККАН ДИЛ ИЗҲОРИ

# АМИР ТЕМУРНИ «ТИРИЛТИРДИ»—Ю, ЎЗИ...

Ҳозир бутун дунёда Амир Темурнинг 660 йиллиги кенг нишонланаётир. Бу истиқлолнинг шарофати. Шу қутлуғ ва муборак айёмни яқинлаштиришда Иброҳим Мўминовнинг муносиб улуши бор. У зот Амир Темурнинг қандай инсон эканлигини элга, дунёга билдириш учун жонини фидо қилган. Халқимизга Амир Темурни «тирилтириб» берган эди.

Европадаги мамлакатлардан бирининг пойтахтида Амир Темурнинг бюсти олтиндан ясалган бўлиб, тагига «Европа халоскори» деб ёзилмиш. Буни эшитган олимнинг кўнглига фикр келади: «Нега ажлодимиз маданият тараққий этган юртларда улуғланади? Нега у қолдирган ёдгорликлари жаҳонни танг қолдиради?» Шу саволларга жавоб топмоқчи бўлган олим Европа мамлакатларига борганида, хорижий кутубхоналардан ўзига керакли китоб ва ҳужжатларни излаб топди. Изланиш ва тадқиқотларини 60—йилларнинг охирларида якунлади.

1968 йил 5 июнда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг президиуми қошидаги кенгашда Иброҳим Мўминов «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» ҳақида нутқ сўзлади. Ижобий баҳоланган бу нутқ матни кенгашда айтилган қимматли таклиф ва маслаҳатлар инобатга олинган ҳолда кейинчалик рус-ўзбек тилларида рисола тарзида чоп этилди. Мўъжазгина китобча зимистонда бехосдан чарақлаган яшин бўлди.

Муаллиф бу асарида Амир Темур шахсининг буюклиги қачонлардир юзага чиқишини башорат қилди. «Қизил империя» ҳукми остида ҳам кўпчилик олимларнинг кўзларини равшан, идрокларини теран этиш ниятида улкан ва серқирра, жилвакор ва пурвиқор, жасоратли ва журъатли фаолият кўрсатди.

Лекин олим қиёфасидаги айрим шахслар Амир Темур фаолиятини «идеаллаштириш»да, унга ғайриилмий ёндошишда И. Мўминовни сиёсий-ғоявий хатога йўл қўйилганликда айбдор қилиб кўрсатишга уринишди. Алломага қарши асоссиз туҳмат ва бўҳтондан иборат мақолалар ёзишди. Москвада бошланган таъқиб ва тазйиқ тобора кучайиб, Тошкентда бўронга айланиб кетди. Иғво-ғийбатлар И. Мўминовга оғир ботди. Кетма-кет қилинган адолатсизликлар зукко олимнинг пок руҳиятига соя солди, саломатлигига путур етказди. Улуғ алломадан бизни маҳрум этишди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг кенг зали тўрида Иброҳим Мўминовнинг нурга чўмилган ва тўлин ойдек ёрқин юзи очиқ қилиб қўйилган жасади кечагидай кўзим ўнгида. Марҳумнинг бошида академик Юнус Ражабийнинг «Қаро кўзим»дан бўзлаб, жудолик фарёди-ла жўшган марсияларини тинглаб, қўлига қизил-қора лента таққан Шароф Рашидов ва бошқа улуғларнинг жиққа ёшга тўлган кўзлари тақдирнинг бу шафқатсизлигидан унсиз-унли нолишарди.

Одамларга ўз ақл-тафаккури ва онгли зиёси билан нур берган ўнлаб фан доктори, йигирмадан зиёд фан номзодини тарбиялаган мураббийнинг кўзи абадий уйқуга кеталию, кўнгиллар фарёд чекмайдими?! Бу улуғ зот ўз вақтида Самарқанддаги Ўзбекистон Давлат университетида атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидовни ўқитган... Бугунги кунда шундай улуғ аллома, академик М. М. Хайруллаев тили билан айтганда «тарихни илмий ёритиш, миллий тарихга илмий ёндошиш, ҳақиқий маданий меросни тиклаш, мустақил фикр юритиш учун курашнинг қурбони бўлди».

Атоқли файласуф, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги Эркин Юсупов ана шундайлардан биридир. Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг сиёсатшунослик кафедрасида Абдуманнон Охунов номзодлик диссертациясини ёқлади. У республика тарихчилари ичида биринчи бўлиб, илмий ишни ўзбекча ёзган. Ҳамма олимлар тадқиқотни катта изланиш самараси сифатида мақтаб тилга олдилар. Ушанда бир русийзабон академик-олим «ғўнғиллаган».

— Ҳақиқатини олганда, бу илмий ишнинг камчилигини ҳеч ким айтмаган бўлса ҳам, мен баралла айтишим мумкин. Бу диссертация барибир Москвада ижобий баҳоланмайди. Ахир олимликни тасдиқлайдиган диплом ўшаёқдан келадику! Русча ёзилмадими—илмий даража беришга нолойиқ топилади. Курасиз!!!

Бу тантановор сўзни эшитган Эркин Юсупов ўзини босиб туролмади:

— Ушбу диссертация ишининг бошқаларникидан мутлақо ажралиб турадиган яна бир фазилати шундаки, у ўзбекча ёзилган. Биз шуни таъкидламаган эдик. Бизни, ҳозир русчани яхши билмасак, саводсизликда айблайсиз. Ҳали шундай фурсат ҳам келадики мен ҳозир русчани қанчалик яхши билишим зарур бўлса, сизлар ҳам ўзбекчани шу қадар чуқур ва мукаммал билишга мажбур бўласизлар!

Бугунги кунда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлиги республикамизда яшаётган русийзабон миллат вакиллари бизнинг она тилимизни ўрганиб, ўзбекча ҳужжатлар тўлдираётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Амир Темурдек буюк аждодимизнинг ёдини муқаддас билиб, уни ҳаммага танитган Иброҳим Мўминов ўзининг зукколиги ва илмий жасорати туфайли тарихимиз тархини ёзди, Амир Темурни «тирилтирди». Шунинг натижаси ўлароқ бугунги кунда истиқлол куртак отди, истиқбол палак ёзди, буюк келажак уфқлари эрта тонгдаги қуёш шуъласига монанд ярқираб келди.

Менинг наздимда Ўзбекистоннинг илмда, тафаккурда мустақил бўлиши учун омонсиз курашган, уни ўз халқига яқинлаштиришга астойдил уринган, миллий маънавиятимизни тиклашга интилган, мафкуравий жабҳаларда жон олиб-жон берганларнинг энг биринчи қаторида — олдинда Иброҳим Мўминов турибди. Ўлимига 12 йилдан ошган бўлса-да, у ўзига республикамизнинг мустабидликдан мустақилликка қадам ташлаши учун улкан одим ташлаб, ўзига абадулабад ҳайкал қўйиб кетди.

Ҳа, Иброҳим Мўминов ўз ақл-идроки, ғайрати-шижоатини ва бутун онгли ҳаётининг қаймоғини эл-юрт ишига, Ватанимиз фанининг равнақига бағишлади. Буюк эътиқодли Иброҳим Мўминов ҳар доимгидек, бугун ҳам кўз ўнгимизда мағрур, олийжаноб сиймо, мангуликка қадар баркамол иймон эгаси бўлганича гавдаланади. Ҳазрати Амир Темурнинг бугунги тўйида унинг ёдини ҳам хотирлаш алломамизнинг замондошлари, касбдошлари, ҳамфикрлари бўлган бизлар учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

**Жўрабой ХОЛМАТОВ.**

Иқтисодиёт

# АКЦИЗ МАРКАСИ: ШИДДАТЛИ ҚАДАМ

Бозор иқтисодиётига ўтилган сайин унинг ўзига хос хусусиятлари, йўналишлари ва афзалликлари тобора равшанроқ кўзга ташланаверади. Ҳозир ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан аҳолини таъминлашдан ташқари четдан турли хил маҳсулотларни олиб келиб сотишга ва шу тариқа истеъмол бозорини кенгайтиришга имконият яратилмоқда.

Аммо бундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланаётган фирибгарлар ҳам оз эмас. Улар кўпинча яширин йўллар билан республикамизга технология қоидаларига амал қилинмай тайёрланган, сифатсиз, баъзан эса одамлар соғлиғига зиён етказадиган маҳсулотларни ташиб келиб сотмоқдалар.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан республикада тайёрланаётган ҳамда четдан ташиб келинадиган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга (пиводан ташқари) нисбатан шу йил 1 октябридан бошлаб акциз маркалари жорий қилина бошлади. Акциз маркасининг жорий этилиши истеъмол бозорида катта воқеага айланди. Бундан буён акциз маркаси бўлмаган маҳсулотларни сотиш ман этилади.

Яқинда республика Давлат солиқ қўмитасининг ходимлари мазкур қарорнинг бажарилиши бўйича жойларда бир қатор текширув ишларини ўтказдилар. Масалан, Тошкент шаҳрида қўшма рейд ўтказилиб, савдо ташкилотлари, хусусий шахсларга тегишли дўконлар, шахсий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар текшириб кўрилди. Натижа шуни кўрсатдики, тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар ва корхоналарнинг аксарияти ҳукуматнинг бу тадбирига тўғри муносабатда бўлиб, маҳсулотларни ўз вақтида акциз маркалари билан таъминлай олган.

Айни пайтда зимдан иш битираётган, сифатсиз маҳсулотларни аҳолига яширинча сотаётган қаллоблар мавжудлиги ҳам аниқланди ва уларга нисбатан кескин чоралар кўрилди. Масалан, шаҳардаги энг йирик улгуржи савдо бозори — «Отчопарда» ўтказилган текширув натижасида акциз маркаси бўлмаган анча миқдордаги спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари қўлга олинди ва мусодара қилинди. Булар орасида 4 минг шишадан ортиқ «Филиппос» грек коньяги, «Романофф», «Виктори» ароғи, «Американ ройял» спирти, «Асланов» ароғи бор. Жами бўлиб 23 мингга яқин шиша маҳсулот ушланди. Тожикистонда тайёрланиб, республикамизга олиб келинган «Московская» ароғи ҳам мусодара қилинди. Маркасиз сотилган ароқ маҳсулотидан тушган 264 минг сўм давлат фойдасига ўтказилди. Бу маҳсулот бўйича ҳатто акциз солиғи олинганига доир ҳужжат ҳам йўқ, тегишли божхона ҳужжатлари расмийлаштирилмаган.

Чакана савдо билан шуғулланувчи кўпдан-кўп дўкондорлар акциз маркасига оид талаб ва қоидаларни ҳали яхши билишмайди. Бироқ, бу уларни масъулиятдан қутқара олмайди. Умумий тартиб-қоида барча савдо ходимларига дахлдордир. Тартиб-қоидани бузган шахслар албатта жавобгарликка тортилишларини билиб қўйишлари керак.

Пойтахт солиқ бошқармасининг оператив ходимлари томонидан шу йил 8 октябрда ҳеч қаерда ишламайдиган, сигареталарга ёпиштириладиган акциз маркалари билан ғайриқонуний равишда савдо қилиб юрган 2 киши ушланди. Уларнинг ёнидан 8200 дона акциз маркаси топилди, унинг ҳар бир донасини 50 тийиндан сотишаётган экан. Маркаларни сотишдан тушган ва уларнинг ёнидан топилган 25.063 сўм давлат фойдасига мусодара қилинди. Ҳозир ана шу маркалар қандай қилиб бу қаллобларнинг қўлига тушиб қолганлиги текширилмоқда.

Назорат тариқасидаги текширувлар давом этмоқда.

Бозор иқтисодиётига виждонан ва ҳалол ишлайдиган тадбиркорлар хосдир. Биз шунга эришмоғимиз лозим. Халқнинг нонини яримта қиладиган юлғичларга эса орамизда ўрин бўлмаслиги керак!

**Фарҳод РАСУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг матбуот хизмати ходими.**

Ахборот

# ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИ УЧУН

Наманган вилояти ҳокимлиги ва касаба уюшмалари вилоят кенгаши 1996 йил пахта йиғим-терими илғорларини рағбатлантириш учун қўшма қарор қабул қилди. Мавсумни қулай муддатларда ўтказилишига эришиш, ҳосилнинг сифатли йиғиштириб олинишини таъминлаш, кўзланган ушбу ҳужжатда йиғим-теримни тез, соз ва ўз вақтида муваффақиятли ўтказилишига муваффақ бўлган туманларни, хўжаликларни, ҳашарга чиққан меҳнат жамоалари ҳамда ўқув юртлари талабаларини моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориш режалаштирилган Жумладан, бу борада биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган туманларга «Нексия», «Дамас», ҳамда «Тико» автомобилларини, хўжаликларга, меҳнат жамоалари ва ўқув юртлари талабаларига пул мукофотлари, механик-ҳайдовчиларга, илғор теримчиларга эса қимматбаҳо эсдалик совғалари бериладиган бўлди.

Мукофот меҳнат зафарларига чорламоқда.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

Маданият хабарлари

## «ТЎЙЛАРИМИЗ ҲАҚИДА ЎЙЛАРИМИЗ»

Тошкент туман маданият уйи ижодий жамоаси томонидан ўтказилаётган тадбирлар мазмундорлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Ижодий жамоа Ҳасанбой қишлоқ клубига «Тўйларимиз ҳақида ўйлариммз» деб номланган адабий мусиқий дастурни намойиш этдилар. Мазкур дастурда маҳалла оқсоқоллари, фахрийлар, туман хотин-қизлар кенгаши туман «Камолот» жамғармаси ва бошқа муассасаларнинг мутахассислари иштирок этиб бугунги тўйлар ҳақида фикр юритдилар. Кекса отахон онахонлар ўзларининг хотиралари ва фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Туман маданият уйи ижодий жамоаси томонидан тайёрланган Туроб Акбархўжаевнинг «Тўйдан олдин томоша» комедиясидан олинган лавҳалар ҳам мухлислар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Кеча сўнгида Фарҳод Усмонов раҳбарлигидаги «Само» ашула ва рақс ансамбли ижодий жамоаси янги концерт дастури билан мухлислар кўнглидан жой олдилар.

## ОМАД СЕНГА «ДИЛХИРОЖ»

Бизни гўзал мустақил Ўзбекистонимизнинг гўзал гўшалари бор. ана шундай гўшалардан бири Фарғона водийси десак асло муболаға қилган бўлмаймиз. Бизга маълумки, водий халқи ўзининг олиму уламолари, шоиру санъаткорлари билан бутун заминимизга маълум ва машҳурдир. Мана шу жаннатмакон гўшада яшаб ижод қилаётган ёш истеъдодли санъаткорлардан бири Иброҳимжон Абдусаттаровдир. Иброҳимжонни асли касби архитектор, Тошкент қурилиш ва архитектура олийгоҳини тамомлади. Лекин ундаги санъатга бўлган қизиқиш тобора ортиб борди. Аста —секин устозлари сабоғини олиб, ўз устида тинмай меҳнат қилди, санъат сирларини эгаллади. Мусиқа соҳасида таълим олди. И. Абдусатторов водий миқёсида ўтказилган кўплаб санъат кўрикларида иштирок этиб, халқ назарига тушди.

Иброҳимжон Абдусатторов бошлиқ санъаткорлар жамоасига 1991 йили «Дилхирож» дастаси номи берилди. Айни пайтда жамоа Бешариқ тумани, Яккатут ширкатлар уюшмаси қошида фаолият кўрсатмоқда.

«Дилхирож» дастасида Уткиржон Раҳимов, Ғолибжон Маҳкамов, Исломжон Тошпўлатов, Уктамжон Юсупов каби талантли санъаткорларнинг борлиги янада қувонарлидир. Йил давомида кўплаб меҳнаткашлар ҳузурида бўлиб, уларга маданий ҳордиқ бериб келмоқда. Шуниси қувонарлики, дастани барча аъзолари мактабда ёшларга мусиқа фанидан сабоқ беришади.

**С. МЎМИНЗОДА.**

## ХАЙРЛИ ТАДБИР

Республика Президенти ва ҳукумати аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш борасида бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинганлиги мустақиллик шарофатидандир албатта. Бу борада туман ҳокимлиги ташаббуси билан катта ишлар қилиняпти.

Байрам арафасида Қалаймиришкор қишлоқ фуқаролар йиғини (раиси Шукрулла Ҳамроев) бошчилигида бу ерда хайрли тадбир ўтказилди. Унда кам таъминланган оилалар фарзандларидан 13 нафар ўғилларининг суннат тўйлари бўлиб ўтди.

Тўйда Ўзбекистон ёшлар «Камолот» жамғармаси туман бўлими раиси Олимжон Ҳамдамов сўзга чиқиб, 13 нафар суннат тўйи ўтказилаётган гўдакларнинг ҳар бири номига 100 сўмдан пул қўйиб ҳисоб дафтарчаларини уларнинг ота-оналарига топширди.

Хайрли тадбирларнинг барча сарф-харажатларини Қалаймиришкор ишлаб чиқариш чакана савдо уюшмаси (раиси Қодир Бердиев), «Бухоро», «Навоий» номли жамоа хўжаликлари бошқарувлари ҳамда «Зарафшон» ёрдамчи хўжалиги маъмурияти ўз зиммасига олди.

**С. ҚОДИРОВ.**

